

Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оила йили

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 11-МАЙ, ЖУМА, 56 (7981) - сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoшлаган

Баҳоси кeлишган нархда.



Жорий йилда республикада паррандачиликни ривожлантириш ва жўжа етказиб беришни ташкил этиш бўйича аниқ чора – тадбирлар белгиланди. Амалдаги йилда паррандалар бош сонини ўтган йилдагига нисбатан 118 фоизга, тукум ишлаб чиқаришни 20 фоизга, парранда гўшти ишлаб чиқаришни 30 фоизга ошириш режалаштирилган.



Фориш туманидаги "Мулла Саидкул" фермер хўжалигида лалии ерларда деҳқончилик қилиш, муқобил энергиядан фойдаланиш, томчилатиб сугориш бўйича катта тажриба тўпланган. Бу ерда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Глобал экологик жамғаримнинг кичик грантлар дастури лойиҳаси асосида қўй ва шамол энергияси, биогаз технологияларини аграр соҳага жорий этиш бўйича фаол иш олиб бoрилмоқда.



Тиббиётдаги туб илоҳотлар самарасини жойлардаги замонавий, энг сўнгги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Қашқадарё вилояти кўп тармакли тиббиёт маркази ҳам ана шундай даволаш масканларидан бири саналади.

Куннинг муҳим воқеалари

► Тошкентда узлуксиз инклюзив таълимни ривожлантиришда оиланинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Халқаро анжуманда алоҳида таълимга эҳтиёжи бор шахслар билан ишлашда педагогик кадрларни тайёрлаш, инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-норматив асосини мустаҳкамлаш, алоҳида эҳтиёжли шахсларнинг меҳнат бандлиги, имконияти чекланганлар учун инфратузилма яратиш каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

► Қарши шаҳрининг Ўзбекистон кўчасида янги, замонавий канцелярия товарлари мажмуаси иш бошлади. «Гранд Трейд Групп» масъулияти чекланган жамиятига қарашли икки қаватли мазкур мажмуада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган махсулотлар билан бир қаторда Германиянинг «Schneider», Япониянинг «Uni-Ball», Франциянинг «Marped», Хитойнинг «Deli» сингари машҳур компанияларнинг канцелярия товарлари ҳам сотишмоқда.

► Олмалик кончилик касб-хунар коллежидан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинбётган «Сиз кунунки бизнесимиз?» республика кўрмас-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда Бекобод ижтимоий-иқтисодийет касб-хунар коллежининг «Соҳибкирон» жамоаси голибликни қўлга киритиб, мамлакат босқичига йўлланма олди.

► «Ўзсаноатқурилиш-банк»нинг VISA International Service Association компанияси билан ҳамкорликдаги «VISA картасидан фойдаланиш ва 2012 йилги Олимпиада ўйинларига чиптани ютиб олин» деб номланган промацияси натижаларига кўра, банкнинг Мирзо Ўлужбек филиали мижози Дилором Юсупова Лондон Олимпиадасига икки кишилик чиптани қўлга киритди.

Наманган Вилояти

МАКТАБ БОҒИ – СЕРҶОСИЛ

Тўрақўрғон тумани Файзабод қишлоғидаги 24-умумтаълим мактаби замонавий билим масканларидан бири. 700 нафарга яқин ўқувчини бағрайган мактабда ўқитиш ишлари давлат таълим стандартлари асосида йўлга қўйилган.

Ушбу мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари наинки замонавий усулда жиҳозланган фан кабинетлари, ўқув-лаборатория ва синфхоналари билан фахрланади, балки кўрган кўзни қовғиратган мактаб боғини ҳам гурур билан тилга олади.

Мактабнинг мўъжаз боғида хурмо, ўрик, гилос етиштирилади. Боли тилни ёрадиган бу мевалардан ўтган йили уч миллион сўм даромад қилинди. Жорий йилда мактаб жамоаси кўшимча равишда 30 сотих ерга саримсоқ пиёз, 20 сотих ерга қўлуп-

най ва 20 сотих ерга картошка экди. Айни кунларда дарсдан сўнг бўш пайтларини мактаб томорқасида фойдаланиш билан ўтказётган ўқувчи-ёшлар ҳар бир ниҳолни меҳр билан парваришламоқда, бегона ўтлардан тозалаш, сугориш, озиклантириш ишларида фаоллик кўрсатмоқда. Мактаб боғидан келадиган даромад ҳисобига янги спорт жиҳозлари харид қилиш, кам таъминланган оила фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.



Самарқанд Вилояти

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ ВИЛОЯТ ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИНИНГ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНГАН ЯНГИ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли илоҳотлар жараёнида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда юртимиз тиббиётда мутлақо янги тизим бўлган перинатал, скрининг хизматлари, репродуктив саломатлик марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу орқали ўсмир қизлар, туғуруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ёш оналарнинг саломатлигини доимий назорат қилиб бoриш, уларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш ва муҳими, оналарда соғлом фарзандлар дунёга келишига эришилмоқда.



– Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори асосида юртимиздаги перинатал марказлар фаолияти такомиллаштирилиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда, – дейди Самарқанд вилояти перинатал мар-

кази раҳбари Зайниддин Эгамкулов. – Шу асосда бизнинг марказимизда ҳам республика Инвестиция дастурига биноан қарийб уч миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди. Поликлиника ва ҳар бир бўлим фаолият йўналишини келиб чиққан ҳолда, тубдан реконструкция қилинди. Шифокор ва беморлар учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Натижада муассасамиз бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган, замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларга эга 119 ўринли бинода фаолият кўрса-

тадиган бўлди.

Марказда фаолият кўрсатиб келган акушерлик, ҳомиладорлик патологияси, анестезиология ва реанимация, гинекология бўлимлари қаторига чақалоқлар патологияси, реанимацияси ва физиологияси бўлимлари ҳам қўшилиб, замонавий талаблар асосида жиҳозланди. Бу эса турли хасталик ва нуқсонлар билан туғилган чақалоқларни марказнинг ўзида даволаш имконини беради.

Марказ шифокорлари томонидан оғир акушерлик патологияси

ва экстрагенитал касалликлари мавжуд аёллар, ҳомиладорлиги оғир кечган оналарни, шунингдек, эрта туғилган чақалоқларни тиббиётнинг илғор технологиялари ёрдамида самарали даволаш, уларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш ишлари, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ғ. ХАСАНОВ,

ЎЗА мухбири.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида «Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини самарали ёритиш, нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантиришни таъминлаш соҳасида оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш масалалари» мавзунда семинар ташкил этилди.

ННТ ФАОЛИЯТИ ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, вазирлик ва идоралар ахборот хизматларининг раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган илоҳотларни самарали ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш, уларнинг фаолияти ошкoралигини таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Давлатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш, мамлакатимизни демократлаштириш, унинг дунё ҳам-жамиятига интеграциялашувида муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини

таъминлаш, турли аҳоли қатламлари ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш борасида фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, улар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, аҳолининг турли ижтимоий ва ёшга доир гуруҳлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Семинарда мазкур жараёнларни кенг ёритиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти ва улар амалга ошираётган лойиҳаларнинг ошкoралигини таъминлаш оммавий ахборот воситаларининг муҳим вазифаси эканлиги қайд этилди.

Ушбу семинар оммавий ахборот воситалари ходимларига соҳа мутахассислари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда мавзу бўйича керакли тушунчаларни олиш имконини берди.

Гулноза ТУРҒУНБЕКОВА, «Qishloq hayoti» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан гўза селекцияси ва агротехникаси, қишлоқ хўжалиги мелиорацияси, механизацияси, тупроқ унумдорлиги ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича бир қанча илмий-тадқиқот ишлари олиб бoрилди. Илмий ишларнинг ҳамжи йилдан-йилга кенгайиб бoраётгани қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавжуд муаммоларни илмий асосда бартараф этиш имконини бeряпти.

ИЛМ НАТИЖАЛАРИ ЗАМИНГА БАРАКА БЕРМОҚДА

— Оролбўйи ҳудудда турларо дурағайларнинг генетик шакллари ва навлари ўрганилди, янги навларни яратишда гўза навларнинг комбинацион қобилияти, генетик кўрсаткичлари аниқланди, — дейди Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти директори вази-фасини бажарувчи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Есбосин Садиков. — Олимларимиз томонидан олиб бoрилаётган тадқиқотлар натижасида гўза-да қўлланиладиган, иқлимга мос генетик селекция мате-риаллар яратилди. Ҳозирда улардан қаттиштириш ишлари-да фойдаланилмоқда. 500 га яқин навнинг шўрга бардош-лилиги ўрганилди. Оролбўйи шароитига мос янги навларнинг аҳамиятли жиҳати шун-даки, булар сув тақчиллигига ва шўрга чидамдидир.

Ғўзанинг янги «Чимбой-3104», «Чимбой-4104», «Чимбой-5018» ва «Дўстлик-2» навларини Оролбўйи ҳудудларида экиш мумкин. Айни пайтда «Чимбой-5018» ва

«Дўстлик-2» навларига па-тент олинди ва 25-30 гектар майдонга экилиб, парва-ришланмоқда.

Шунингдек, айни пайтда жўрорининг «Найман», «Ўзбекистон паханаси», «Ўзбекистон-18» навларини суго-риш зарурлиги аниқланди. Африка тариги, нўхат ва мах-сар экинларини экиш агро-техникаси ишлаб чиқилди. Қатор ораларини парва-ришлаш бўйича пахтачилик-да 4 та, галлачиликда 3 та йўналиш аниқланиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Тажрибалар шуни кўрсат-моқдаки, пахтани 2-3 йил беда парваришланган май-донларга экиш яхши нати-жа беради. Алмашлаб экиш асосида органик ва маҳал-лий ўғитлардан фойдаланиш уруғи кўпайтирилмоқда. Кун-габоқарнинг коллекцион на-вларини ўрганиш ва янгидан яратилган навининг бирла-мичи уруғчилигини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб бoрилиб, Оролбўйи шарои-тига мослаштирилди «КК-1» навининг шўрга, қурғок-чиликка чидамлилиги ва мослашиш даражаси ўрга-нилди. Янги «КК-60» нави яратилиб, давлат нав синаш комиссиясига тақдим этилди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

ТОВУҚНИНГ ҲАМ НАСЛДОРИ МАҲСУЛДОР

МАМЛАКАТИМИЗ КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, ПАРРАНДАЧИЛИК СОҲАСИ ҲАМ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ, ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР КўЛАМИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЕНГАЙИБ БОРЯПТИ.

“Етти хазинанинг бири” бўлган товуқ тухумини, гўшtidан тайёрланган пархез таомларни севиб истеъмол қиламиз. Тармоқ ривож, тақомиллашувининг боиси ҳам паррандачилик маҳсулотларига бўлган талаб кун сайин ортиб бораётганидан. Ҳозирги кунда юртимизда кўплаб парранда зотлари мавжуд бўлиб, шулардан энг кўп тарқалгани Германиядан келтирилган “Ломан” зотли товуқлардир.

Айни пайтда республикаимиз бўйича етиштирилаётган тухумнинг 70 фоизи шу товуқлардан олинади. “Ломан Браун” (жигарранг), “Ломанн Вайт” (оқ ранг) ва “Ломанн Сенди” (оч кулранг) зотлари Самарқанд вилоятидаги “Оҳалик – Ломанн парранда” ва Тошкент вилоятидаги “Ломанн – Ишонч – Надежда” қўшма корхоналарида етиштирилмоқда. Бу зотли товуқлар уй шароитида бир йилда 270 донагача, sanoat паррандачилигида 330 донагача тухум бериши мумкин.

Парранда гўшти етиштиришда – Росс (Англия), Хаббард (Франция), Кобб (АҚШ) бройлер зотларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу жўжалар 38 – 42 кунликда 2,3 – 2,5 килограммга етади. Паррандани зоти, ёши, вази ва маҳсулдорлигидан келиб чиқиб, тўйимли озуклар билан боқиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун озук таркибига витаминли – минерал премикслар, аминокислоталар, ферментлар, пробиотиклар ва бошқалар талаб этилган меъёрларда қўйилиши зарур. Қолаверса, озук база мустаҳкамлиги ҳам соҳа ривожига муҳим ўрин тутadi. Шу боис ҳам Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик илмий йўлаб чиқариш маркази томонидан маккажўхориинг ҳосилдорлиги юқори ва дони таркибига юқори микдорда лизин аминокислотаси бўлган “Ўзбекистон 420 ВЛ” гибриди ишлаб чиқилган бўлиб, бу

гибрид 110-115 кунда етилади ва гектарида 75-80 центнердан ҳосил беради. Ушбу маккажўхори дони билан боқилган товуқлар тухумдорлиги 10-12 фоизга ортиб, ем харажатлари эса 9-11 фоизга камайди. Ҳозирда паррандачилик хўжалиқларини парранда озукасининг муҳим компоненти ҳисобланган юқори лизинли маккажўхори дони билан таъминлаш мақсадида Тошкент вилоятида мазкур гибрид уругини фермер хўжаликлари томонидан етиштириш йўлга қўйилмоқда.

Соҳа вакиллари томонидан паррандани турли касалликлардан сақлаш, вакцина ва антибиотиклар воситасида юқумли касалликларга қарши профилактика ишларини доимий равишда олиб боришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шунингдек, “Тошкент парранда”, “Қибрай парранда” МЧЖларда ҳамда “Бухоро парранда” ОАЖда Голландияда ишлаб чиқарилган замонавий “Биочек”, яъни паррандаларга ташхис қўйиш махсус ветеринария лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили ана шундай лабораториялар “Самарқанд парранда” ҳамда “Мароқанд парранда” корхоналарида ишга туширилган бўлса, жорий йилда Тошкент вилоятидаги “Ўрта-чирчик парранда” ОАЖ ва “ЮТМ парранда” МЧЖларда ташкил этилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, озуклар сифати ва таркибини мақ-



бул усулда аниқлаш учун лаборатория анжомлари келтириш юзасидан россиялик мутахассислар билан музокаралар олиб боришмоқда.

Яна бир қувонарли жиҳат, Бухоро вилоятида парранда учун озук тайёрлаш заводи, Қибрайда паррандаларга премикслар тайёрлаш минизаводи, Тошкент вилоятидаги “Ишонч – Надежда” фермер хўжалиги ва Самарқанд вилоятидаги “Оҳалик – Ломан парранда” қўшма корхонасида 3 тадан замонавий инкубатория муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда яна 1 та витамин – минерал премикслари тайёрлаш заводи қурилиши тугаланади.

Паррандачилик бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштиришга ҳам жиддий ёнда-

шилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Паррандасаноат” уюшмаси ҳамкорлигининг кенг йўлга қўйилгани айни мuddao бўлди. Эндиликда юртимиздаги 28 та коллежда ҳар йили 840 нафардан паррандачилик соҳаси бўйича етук мутахассислар тайёрланади.

Дарҳақиқат, бежиз соҳага жиддий эътибор қаратилаётгани йўқ. Озиқовқат хавфсизлигини барқарор таъминлашда паррандачиликни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Жорий йилда республикаимизда паррандачиликни ривожлантириш ва жўжа етказиб беришни ташкил этиш бўйича аниқ чора – тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Республикаси “Паррандасаноат” уюшмаси Ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш, наслчилик ва ветеринария ишларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Ҳакимжон Нармухаммедовнинг таъкидлашича, амалдаги йилда паррандалар бош сонини 50 миллион 409 минг бошга етказиш ёки ўтган йилдагига нисбатан 118 фоизга кўпайтириш, тухум ишлаб чиқаришни 4 миллиард 125 миллион донага етказиш ёки ўтган йилдагига нисбатан 20 фоизга кўпайтириш, парранда гўшти ишлаб чиқаришни 63 минг 157 тоннага етказиш ёки ўтган йилдагига нисбатан 30 фоизга ошириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, 32 мингга яқин кам таъминланган оилага 632 минг бош товуқ етказиб бериш ҳам жорий йилдаги долзарб вазифалардан.

Раимкул СУЯРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

АГРОМАСЛАХАТХОНА

Ўзбекистонда мазкур ўсимликнинг озикланиши ва ўғитлардан самарали фойдаланиши юзасидан олиб бориладиган тадқиқотларга таяниб, бу тизимнинг илмий асослари яратилган. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ғўза бошқа бир қанча экинлардан фарқли ўлароқ, ривожланиш даврида тупроқ таркибидagi озукани ўзлаштириб боради. Унинг озук модаллари талаби нафақат микдор, балки сифат жиҳатидан ҳам турличадир.

ОЗУҚА ҒЌЗА РИВОЖИНИ ТЕЗЛАШТИРАДИ

Экин майдонлари азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантирилса, тупроқ унумдорлиги кўтарилади, ҳосилдорлик ҳар бир гектарда 26-35 ва бундан ҳам кўп центнерга етиши мумкин.

Деҳқончиликда ўғитлардан тўғри ва оқилона фойдаланилса, кўзланган мақсадга эришилади. Айниқса, ғўза ўсиш ва ривожланиш босқичларига қараб ўзгариб туради. У нафақат вегетация даврида, балки ҳосил тугунчалари пайдо бўлиш жараёнида ҳам озукка катта эътибор сезади. Шу боисдан ўғитларнинг энг мақбул микдори, муддати, ишлатиш усулини, озук модалларининг ўзаро муносабатларини аниқлаш каби масалалар катта аҳамиятга эга. Зеро, буларни чуқур билмоқ ҳар хил тупроқ ва иқлим шароитида ўғитлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Тупроқ экинларини озук модаллар билан таъминлашнинг асосий манбаидир. Ўзбекистонда ҳосилнинг қарийб 70 фоизи тупроқданги озик модаллар ҳисобига шаклланади. Юқори сифатли ҳосил етиштириш учун ер таркибидagi мавжуд органик ва кийин эрийдиган минерал модаллар етарли эмас.

Олимларнинг тажрибаларига қараганда, экин майдонларида маъданли ўғитлар билан бир қаторда, маҳаллий ўғитларни қўллаш самарали ҳисобланади. Улар микроорганизмлар ёрдамида парчаланади. Наттижада ҳосил бўладиган тупроқдаги карбонат ангидрид олдинги йилларда солинган фосфатга таъсир кўрсатиб, эрувчанлигини кўчайтиради, бинобарин, ўсимлик уни анча кўп ўзлаштиради. Маҳаллий ўғитлар таркибидagi углерод микроорганизмлар томонидан қайта ишланиб, чириди таркибига қиради.



ган мураккаб бирикмаларга айланади. Шулар ҳисобга олиниб, одатда ўсиш ва ривожланишнинг асосий босқичларига азот, фосфор, калийнинг мақбул нисбатда бўлиши тавсия этилган.

Олимлар ғўзанинг озукка талабчанлигини ўрганиши асосида ва тупроқ-иқлим шароитини назарда тутиб, ўсимлик ўсиш ҳамда ривожланишининг турли босқичларида ўғитларни ишлатиш усулини ишлаб чиққанлар. Айрим фермер хўжалиқларида азот солишга кўпроқ эътибор берилиб, бошқа ўғитларнинг аҳамияти тўғри баҳоланмайдиган. Холбуки, ғўзанинг фосфор, айниқса, калийга бўлган биологик талаби азот эътиёжи билан ва ҳатто ундан ҳам юқоридир. Бир тонна пахта хомашёси тупроқдан 50 килограмм азотни, шунча калийни ва 20 килограмм фосфорни олиб кетади.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва Ўсимликлар экспириментал биологияси институтидаги олимлар ўтказган тадқиқотларда агар ғўза меъёрида озиклантирилса, ҳар бир ҳаёқнинг ўртача оғирлиги 6-7 граммдан ташқил этган. Калий тақчил бўлганда эса унинг оғирлиги 4-4,5 граммдан ошмаган.

Калийнинг яна бир ҳислати ўсиш тўқималарида модаллар алмашинуви жараёнини яхшилайди. Бундай

ўғит билан етарли озиклантирилган ғўза қисқа муддатли кўрғоқчиликка бардош беради. Калий етишмаган тақдирда экиннинг касалликка чидамлилиги сусаяди, асосий тананинг ўсиши тўхтади. Айниқса, бўғинлар ўртасидаги оралик сезилари даражада қисқаради, дастлабки даврда ғўза барги тўқ яшил тусга қиради. Бу етишмовчилик кучайганда барглр сўйилқирайди. Шунингдек, тана бўшади, гуллаш ва кўсак туғиш жараёни бузилади, мева тугунчалари, гул ва майда кўсаклар тўқилиб кетади, сакланиб қолган ҳосилнинг етилиши ҳар хил бўлиб, кечикади.

Калий ва фосфор етишмаган майдонларга, гўнги тўла чиритиб, сўнгга уни қуритилган ҳолда, ғўзанинг ўсув даврида, минерал ўғитлар қаторида ишлатиш яхши фойда беради. Органик қўшимча ўғит сифатида парранда гўнги, ипак қурти чикиндиси ва бошқалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Булар билан бир қаторда, ғўза ривожланишини тезлаштиришда ҳамда касалликлар ва зараркундаларга чидамлилигини оширишда 2-2,5 фоизли карбамидли суспензия қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу суспензияга фосфор ва калийни қўшиб керак эмас, чунки булар сувда эримайди ва барг орқали ўсимлик ўзлаштирмайди. Шунинг учун ҳам фосфор ва калий асосан кузда шуд-гордан олдин қўлланилади.

Кўрсатилган агротехник тадбир ва талаблар белгиланган муддатда ҳамда меъёрида бажарилса, шўбхасиз, ғўзада қутилганидек ҳосил тўпланишига эришилади.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Бухоро Вилояти

“Бухоро” халқаро аэропорти Халқаро фуқаро авиациясининг “Аэропорт” ассоциацияси томонидан 100 минг нафардан зиёд йўловчига хизмат кўрсатадиган авиакорхоналар орасида 2011 йилнинг энг яхши аэропорти, деб топилди ва кубок билан тақдирландиган бўлди.

«БУХОРО» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИГА – ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Мазкур аэропорт бундай нуфузли мукофотга 2008 ва 2010 йилда ҳам лойиқ топилган эди. 2009 йилда эса “Бухоро” халқаро аэропорти ассоциацияси томонидан ўтказилган танловнинг “Барқарор ривожланаётган субъ-ект” номинациясида ҳам ғолиб чиққан эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикаимиз ҳукумати-нинг тегишли қарорига асо-сан 1999 йилда “халқаро” макомга эга бўлган “Бухоро” халқаро аэропортида ўтган давр мобайнида катта иш-лар амалга оширилди. Ай-ниқса, Президентимиз раҳ-барлигида мамлакатимизда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини жадаллаштириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида бу ерда замон талаблари даражасидаги, соатида 400 кишига хизмат кўрсатадиган, барча шароитларга эга янги аэровокзал биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уч-ш-кўнчи йўлақлари таъмирланди, перронлар сони кўпайти-рилди.

2011 йилда аэропорт қарийб 102 минг нафардан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатди. Уш 2010 йилга нисбатан 107 фоизини таш-кил қилди. Почта ва юк та-шиш борасида ҳам ижобий ўсишга эришилган.

Эътиборли жиҳати шун-даки, ютуқлар салмоғи жо-рий йилда яна ошади. Чун-ки ўтган йилнинг охирига нисбатан ҳозирда авиакор-новлар сони ҳафтасига 7 тага кўпайиб, 27 тага етди. Жумладан, Бухоро–Красно-дар янги маршрути очилди. Мамлакатимиз пойтахтига ҳам рейслар сони кўпайди. Ана шулар ҳисобидан жорий йилнинг биринчи чорагида салкам 31 минг йўловчига хизмат кўрсатилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисба-тан 7 фоизга кўпдир.

Ҳамроз АЛИ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Сурхат Вилояти

«ЭНЕРГО НАСЛ ЧОРВА»НИНГ БОЗОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Ховос туманидаги “Энерго насл чорва” масъулияти чекланган жамия-ти вилоятдаги энг кўп насли мол ва сут маҳсулотлари етказиб берадиган чорвачилик хўжаликлари-дан саналади. Исроил давлати-дан келтирилган зотли сигирларнинг бир йиллик маҳсулдорлиги ўртача 6700-7000 литрни ташкил этмоқда. Қорамолларни боқиш, сигирларни соғиш ва озук-жамоғиш ишларининг Исроил техноло-гияси асосида олиб борилаётганлиги сигирлардан айни чорда ҳам кунига 16-20 литрдан сут соғиб олиш имконини бераётир.

Масъулияти чекланган жамият-да, ўтган йили, сигирлардан 288 бош бузук олиниб, фермер хўжалиқлари-га 140 бош насли мол етказиб берил-ди. Жамоа аъзолари шу ернинг ўзи-да маҳсулотни қайта ишлаш корхона-сини ишга туширишга астойдил бел бо-ладилар. Ўтган йили мустақиллик бай-рами арафасида Исроил давлати-дан

технологик ўсқуналар келтирилиб, сутни қайта ишлаб, 9 турдаги маҳсу-лот тайёрладиган цех ишга туширил-ди. Бу ерда тайёрланган сут маҳсуло-тлари энергия тизимидаги ташкилот ва корхоналарга, Янгийер, Гулистон шаҳ-ар аҳолисига, ҳатто Тошкентдаги хари-дорларга ҳам етказиб берилаётир. — Фермаимизда қайта ишлаш цехи-

нинг қурилганлиги туман ва чорва мо-лари бокувчи аҳоли учун айни му-дао бўлди, — дейди жамият раиси Ойбек Нурмухаммедов. — Ўз фер-маимизда сигирлардан соғилган сут билан чекланиб қолмай, эндиликда аҳоли хо-надонларидан келтирилаётган сутни ҳам қайта ишлаяпмиз ва топширилган маҳсулот учун шахсий чорва эгалари билан вақтида хисоб-китоб қилиб бо-ряпмиз. Шахсий хўжаликда мол бокув-чилар аввалгидек бозорма-бозор сут сотаман, деб сарсон бўлиб юришма-йди. Кунинг исталган вақтида маҳсу-лотини бемалол бизга топшириб ке-таверади.

Бозорбой БЕКМУРДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Жиззах Вилояти

ҚУЁШДАН НУР ОЛГАН ФЕРМЕРЛАР



Фориш туманидаги “Мулла Саидкул” фермер хўжалиги қошида Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат ношароит ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувват-лаш Жамоат фонднинг “Фермер хўжалиқларида энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларни ривожлантириш ва чиқитиш технологиялардан фойдаланишнинг илгор тажрибалари-ни тартиб этиш” лойиҳаси доирасида бўлтур ташкил этилган дала ўқув марказида лойиҳа дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга оид навбатдаги семинар-тренинг ўтказилди.

Икки кун давом этган ушбу тад-бирга Жиззах ва Самарқанд вилоят-ларининг тоғли ва тоғолди лалми-корлик шароитида деҳқончилик, бог-дорчилик, соҳибкорлик ва чорвачи-лик билан шуғулланаётган фермер хўжалиқлари раҳбарлари, хусусий тадбиркорлар, экоҳаракат ва компь-ютер технологиялари мутахассисла-ри, шунингдек, оммавий ахборот во-ситалари вакиллари тақлиф этилди.

Ушбу ўқув марказининг бу ерда ташкил этилиши бежиз эмас. Нега-ки, хўжаликда қарийб 400 гектар лалми ер майдони бўлиб, унда ғал-чалчилик, чорвачилик, богдорчилик ва бошқа соҳалар билан шуғулланаёт-ган мазкур жамоа кейинги тўрт йил мобайнида 20 гектар майдонда хан-дан писта, 2 гектар ерда шифобахш наъматак ва 3 гектар майдонда ёғоч-бош дархатлар етиштиришга ҳам қўл уриб, асрлар давомида қакраб ётган қир-адирларни сув билан таъмин-лаш борасида ҳам катта амалий иш-лар қилишяпти.

— Қир ёнбағрида артезиан кудуги қаздириб, 100 метр чуқур-ликдан шаффоф сув чиқарди, — деди хўжалик иш бошқарувчиси Махмуд Саидкулов. — Электр тар-моғидан узоқлигимиз туфайли кудукдан сув олиш учун дастлаб дизель ёнғилгиси билан ишлайдиган насос ўрнатдик. Бу эса, бизга қим-матга туша бошлади. Шунда биз-ни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирли-ги, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва бошқа тегишли идоралар қўллашди. Уларнинг тавсиялари билан Тошкентдан бир гуруҳ олим-ларни тақлиф этиб, далапаримиз-нинг тепароқ жойига қуёш ва ша-мол энергиясидан фойдаланилади-ган қурилмалар ўрнатдик. Қуёш энержоконвертими 3 киловатт, ша-мол энержоконвертими 2 киловатт қувват ишлаб чиқаради. Уч йилди-ки, суғориш пайтларида гоҳ уни-сини, гоҳ бунисини қўшамиз-да, экин-ларимизни, пистазор бог-роғлари-

мизни суғорамиз. Хўжалигимиз худуди тунлари чароғон. Радио эшиттиришлари ва телекўрсатув-лардан туну кун баҳрамандимиз.

Бу йил Ўзбекистон Экоҳаракати мутахассисларининг кўмаги билан Исроил технологияси асосида 3 гек-тар майдонни суғорадиган томчи-латиб суғориш мосламасига ҳам эга бўлдик. Ниҳоятда тежамкор, ихчам, қулай ва самарали усул экан. Са-марадорлиги шундаки, богимиз томчилатиб суғорилганда, сув 50 фоиз тежалеяпти, обихаёт ҳар бир дархатнинг шундоққина илдизига етказиб берилмоқда. Яна бир яхши томони шундаки, бог ва дархатзор-лар жўялар орқали суғорилганда, дархатлар оралигида бегона ўтлар кўпаярди. Энди эса, улар ҳам бар-хам топаётир.

Семинар-тренингда бу каби фикрлар ва қишлоқ мулкдорлари қўллаш арзийдиган тажрибалар ай-тилди.

— Бу ерда яна иккита тажриба жорий этиляпти, — деди тадбир раҳбарлик қилаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи девони ва юқорида айтилган лойиҳа раҳбари Исроил Хушвақтов. — Булар — юқори-да келтирилган қурилмаларга қўшимча равишда яна бир қуёш иситкичи ўрнатилгани ва биогаз ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 3х10 метр ҳажмида бетонлаштирил-

ган иншоот бунёд этилаётгани. Қуёш иситкичи асосан 160 литр сигимли сув идишидан ва ундаги сувни 90 даражагача қиздириб, иситиш бата-реялари, душхона ва бошқа эътиёж-лар учун узатадиган иситкичдан ибор-рат. Бу усқуна қуёш булултар орти-да бўлган ёки тунги пайтларда ҳам олдинги ғамлаган ҳарорати эвази-га сувни иситиб узатаверади.

Биогаз учун тайёрланаётган ин-шоотда эса, 10 тоннадан зиёд гўнган газ олинади. Бу иншоот ишга тушган, фермернинг турар-жойи ва бошқа ёрдамчи бинолари бемалол иситилиш билан таъминла-нади.

Дунё микёсида биогаздан фойда-ланиш тажрибаси тобора кенг ёйил-моқда. Масалан, АҚШ, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Испания ва бош-қа мамлакатларда кўп йиллардан буюн фойдаланиб келинади. Уларда ҳатто махсус ихтисослаштирилган биологик газ қурилмалари ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар бор. Жаҳон тажрибаларига таяниб, биз-да ҳам бу борада тез ва катта амал-лий ишлар қилинапти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида алоҳида қонун тайёрланмоқда. Хуллас, муко-бил энергия манбаларидан фойда-ланишни кенгайтириш афрӯ-муҳит софлиги ва хавфсизлигини муҳофа-за этиш билан бирга, ишлаб чиқа-ришни янада тараққий эттиришга ҳам хизмат қилади.

Семинар-тренингда Фориш туман-идаги “Умрзоққуд” фермер хўжа-лиги раҳбари Узоқбой Холиқулов, “Болбег бобо” фермер хўжалиги бошлиғи Шухрат Исмоилов, Ғалла-орол туманидаги “Абдусaid Аламил” фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Каримов ва бошқалар ўқув маркази машғулотлари туфайли ўз фермер хўжалиқлари фаолиятларини замо-навий асосда ташкил этишга муваф-фақ бўлаётганлари, фаолиятларига янги технологияларни таъбиқ этиш-га эришаётганлари хусусида гапир-дилар. Тадбир иштирокчилари таш-килотчиларга ўз миннатдорчилик-ларини билдирдилар.

Келдиёр ЖҲАҚУЛОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазир-лиги Маданият саройида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбир ўтказилди. Унга Тошкент шаҳри ва вилоятидан келган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ИИБ фахрийлари ҳамда хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган ИИБ ходимларининг оила аъзолари тақлиф этилди.

ЮРТИМИЗ АРДОҒИДА, ЭЛИМИЗ ЭЪЗОЗИДА



— Президентимизнинг биз каби нурунийларга кўрса-таётган ғамхўрлиги қалбимизни қувончга тўлдирди, — дейди истеъфодаги зобит Халпан Измайлов. — Мана шун-дай тинч ва осуда ҳаётда фарзандларинг, юз-қўлариди-самимият, шоду хуррамлик балқиб турган одамлар, ма-ҳалладошлар, ҳамкасблар, биродарлар даврасида яша-нинг, шу қушларга етиб юришининг ўзи бахт. Жангтоҳлар-да қон кечиш, ҳаётнинг ҳар лаҳзаси қил устида турган олов-ли йиллар ортда қолди. Шукрки, йигитлик даврида кўрма-ган рўшноликни ҳексайганда, истиклол туфайли қўряп-миз. Биз, кескаларни қадрлаб, барча имкониятларни яра-ти бераётган давлатимиз ва Юртобшимизга раҳматлар ай-тиб, доимо қўлимиз дуода.

Тадбир давомида уруш ва меҳнат фахрийлариغا Пре-зидентимиз фармонида асосан пул мукофотлари ва ва-зирликнинг эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, санъаткорлар ижросидаги ҳарбий ватанпарварлик, юрт-га муҳаббат руҳидаги қўшиқлар, ИИБ Ашула ва рақс ан-самбли хонандалари, таникли санъаткорларнинг чиқиш-лари иштирокчилар руҳиятини кўтарди.

Тадбирда Ички ишлар вазирли, генерал-лейтенант Б.Матлюбова қатнашди.

Шаҳноз БОБОЕВА,
ИИБ Оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлими инспектори.



**«KCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ
ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Ўзун тумани ҳокимининг 2011 йил 4 июндаги 232-сонли, 2011 йил 20 сентябрдаги 370, 371, 373, 374-сонли қарорларига ва 2012 йил 17 апрелдаги 01-12/114-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран танловга қўйилмоқда:

1. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нукталари қуриш учун, Ўзун тумани "Телпакчинор" ҚФЙ, "Обизаранг" маҳалласи яқка тартибдаги намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар ҳудудида жойлашган, 1 дона, 1000 кв.м. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 300 000 сўм.

2. Маиший хизмат ва савдо нукталари қуриш учун, Ўзун тумани "Оқ Остона" ҚФЙ, "Мустақиллик" маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона, 200 кв.м. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 60 000 сўм.

3. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ва савдо дўконлари қуриш учун, Ўзун тумани "Жончекка" ҚФЙ, "Кичик-Жончекка" маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона, 200 кв.м. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 60 000 сўм.

4. Маиший хизмат кўрсатиш, дорихона ва савдо нуктаси қуриш учун, Ўзун тумани "Телпакчинор" ҚФЙ, "Янгийул" маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона, 300 кв.м. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 90 000 сўм.

5. Маиший хизмат кўрсатиш нукталари (тикув цехи, гузаллик саломи) ва савдо дўкони қуриш учун, Ўзун тумани "Файзова" ҚФЙ, "Маданий турмуш" маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона, 200 кв.м. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 60 000 сўм.

6. Савдо дўкони, сартарошхона ва пойабзал тикшиш устaxonаси қуриш учун, Ўзун тумани "Файзова" ҚФЙ, "Маданий турмуш" маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона, 200 кв.м. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 60 000 сўм.

7. Савдо дўкони қуриш учун, Ўзун тумани "Телпакчинор" ҚФЙ, "Янгийул" маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона, 45 кв.м. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 30 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ўзун тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ҳолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 31 декабрда бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 13 июнь кuni соат 18.00 да тўхта-тилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманомани берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закатлатни закатлат келишувига асосан танлов ташилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ўзун тумани ҳокимлиги биносидида 2012 йил 14 июнь кuni соат 11.00 да очилади, 2012 йил 14 июнь кuni соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносидида танлов ҳолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ҳолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 14 июндаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 21 июнь ва 28 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2012 йил 21 июндаги савдо учун 2012 йил 20 июнь ва 2012 йил 28 июндаги савдо учун 2012 йил 27 июнь кунлари соат 18.00 да тўхта-тилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ўзун тумани ҳокимлиги биносидида 2012 йил 21 июнь ва 28 июнь кунлари соат 11.00 да очилади, 2012 йил 21 июнь ва 28 июнь кунлари соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносидида танлов ҳолиби аниқланади.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани ҳокимининг 2011 йил 20 сентябрдаги 452-сонли қарорига ва 2012 йил 1 майдаги 01-4/64-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран танловга қўйилмоқда:

1. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун, Олтинсой тумани "Қорлик" ҚФЙ, "Марказ" маҳалласида жойлашган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 ва 10-сонли, 10 дона, ҳар бири 42,0 кв.м.дан бўлган ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Хар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 17 376 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Олтинсой тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ҳолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб

2012 йил 31 декабрда бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 12 июнь кuni соат 18.00 да тўхта-тилади.

